ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 11 ноябр, шанба № 180 (2229)

Тадбир





## СахоВат сурури

Ҳамкорлик билан чамбарчас саховатнинг сурури янада ўзгача бўлади.

Россия Федерацияси элчихонаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти Рус маданияти маркази билан ҳамкорликда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказган тадбир иштирокчилари ана шу туйғуни ҳис этишди. Тадбирда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарид Мухаметшин, элчихона маслаҳатчилари Владимир Кузнецов, Татьяна Мушуковская, рус маданияти маркази раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатори Светлана Герасимова, вилоятлар рус маданияти марказлари раислари ва фаоллари, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова тадбирни кириш сўзи билан очиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида тўхталар экан, жумладан, шундай деди:

— Россия Ўзбекистоннинг чинакам ишончли ҳамкори. Бу тарихий ҳақиқатдир. Икки давлат раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон ва Россия ўртасида истиқболли ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Бу тарихий ҳужжатда ҳар икки томоннинг манфаатлари инобатга олинган бўлиб, хусусан, савдо, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, сиёсий доирадаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳамкорлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам ўз аксини топаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши курортлар бошқармаси халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муносиб улуш қўшмоқда. 2003 йилдан буён олиб борилаётган бундай хайрли ишлар самараси ўлароқ 1764 нафар киши касаба уюшмаларининг дам олиш масканларида ўз саломатликларини тикладилар. Уларнинг 1525 нафари рус маданияти марказлари, 239 киши эса Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан юборилди. Шу мақсадда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 316 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тадбирда сўз олган элчи жаноблари бу борада қилинган ишларни алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, энг муҳими, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилаяпти, — деди у ўз сўзида. — Уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатилмоқда. Келажакда бу ишлар кўлами янада кенгаяди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасининг йўлланмалари ҳамда ногиронлик аравачаси ва эсдалик совғалар топширилди.

— Кўрсатилаётган ғамхўрлик мени жуда тўлқинлантирди, — деди 92 ёшли уруш фахрийси Владимир Тарасов. - Биласизми, киши хоҳ кекса, ёш бўлсин ўзига нисбатан кўрсатилган эътибордан боши осмонга етади, уни эртанги кунга руҳлантиради. Ҳаётга муҳаббатини оширади. Мен ҳозир ана шу туйғуларни ҳис этдим.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири,**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Табрик

***Муҳтарам тиббиёт ходимлари!***
***Қадрли шифокорлар!***

***Аваламбор ўз ҳаётини эл саломатлигини сақлащдек заҳматли ва эзгу ишга бағишлаган, дардманд кишиларга малҳам, ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшаётган Сиз азизларни - меҳридарё, қалби кийган либосидек оппоқ табаррук инсонларни Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни билан самимий қутлайман.***

***Шифокорлик чин маънодаги жасорат. Бу касб фидойилик, қалб ва фикр софлигидан яралган, десак асло муболаға эмас. Чинакам шифокор, донолар айтганидек, ўзи ёниб ўзгалар йўлини нурафшон қилади ва дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблиқ ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.***

***Ҳомийлар ва шифокорлар йили шарофати ила Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан ноябр ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари куни сифатида байрам қилинадиган бўлди. Бу аваламбор жаҳон тамаддуни пойдевори мустаҳкамлигига муносиб ҳисса қўшган, дунёга Ибн Синодек буюк зотларни берган, айни кунда ҳам билим ва тажрибасини, истеъдоди ва маҳоратини, инсоний фазилатларини, қалб қўрини бутунисича эл-юрт равнақига армуғон этишдан ўзини бахтиёр ҳис қилаётган шифокорларга, тиббиёт ходимларига ҳурмат-эҳтиром намунасидир.***

***Ҳомийликни шифокорлик билан уйғун бир ҳолда кўриш ҳам табиий ҳолдир. Ҳомий саховат кўрсатиб муҳтожнинг эҳтиёжини қондириб, қаддини ростлаб олишига кўмаклашса, шифокор беминнат хизмати билан беморни даволаб, унга энг бебаҳо бойлик — саломатлигини қайтариб беради. Шу маънода ҳомий ҳам, шифокор ҳам инсонпарварлик тимсолларидир.***

***Чиндан ҳам интеллектуал салоҳият, интеллектуал бойлик ҳал қилувчи кучга айланган бугунги шиддатли замонда нафақат инсон, балки жамият учун ҳам сиҳат-саломатликдан ортиқ бахт-саодат йўқ. Қолаверса, она-Ватанимиз буюк бўлмоғи учун аввало шу замин фарзандлари ақлан ва жисмонан етук бўлишлари шарт.***

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳар жиҳатдан комил инсонни шакллантириш борасида жорий этилаётган, халқаро миқёсда эътироф этилаётган ислоҳот ва бир-бирини тўлдирувчи дастурлар - янги-янги замонавий шифо масканлари, соғломлаштириш, Она ва бола скрининг ва реабилитация марказлари, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнатини, қадр-қимматини жойига қўйиш ва уларни муносиб рағбатлантириш бўйича ғоят кенг қамровли ишлар бугунги кунда ўз ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.***

***Айниқса, кейинги йилларда «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир» деган олижаноб шиор юртимизда бардавом бўлиб, устувор давлат сиёсати сифатида ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Ҳеч шубҳасиз, эзгуликка йўғрилган бу юмуш энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмаларининг ҳам жонажон ишидир. Қолаверса, «Инсонга наф келтириш - олий бахт» деган ғоя ҳаракат дастуримизнинг ўзагини ташкил этади. Бугунги кунда Федерациямиз тасарруфидаги замонавий ва шифобахш табиат қўйнида қад ростлаган санаторий ва профилакторийлар, дам олиш уйлари, баҳаво ва сўлим оромгоҳлар касаба уюшма аъзолари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга йўналтирилган. Оммавий тарзда ўтаётган спорт-соғломлаштириш тадбирлари меҳнат аҳли, хусусан, соғлом авлод саломатлигига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган барча шифокорлар, тиббиёт ходимлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланган, соғлиғи, оиласи, фарзандлари саломатлиги ҳам муҳофазаланган.***

***Она табиат неъматлари бутун вужудимизга куч-қувват улашганидек, тиббиёт ходимлари ҳам беминнат хизматлари билан беморга соғлиқ бахш этиб, ҳаётга қайтарадилар. Шу боис, тиббиёт барча санъатлар ичида энг олижанобидир.***

***Азиз тиббиёт ходимлари!***

***Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга файзу барака тилайман.***

***Қалбингизни ишонч, эзгулик ва меҳр ҳеч қачон тарк этмасин.***

**Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси**

### Афоризм

*Юрагида қўри бор одамнинг қўллари ҳам иссиқ бўлади.*

Абдулла ҚАҲҲОР



Хабар

## БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Президентимиз томонидан ноябр ойининг иккинчи якшанбаси "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни" этиб белгиланиши муносабати билан диёримизда саломатлик посбонларининг касб байрами илк маротаба кенг нишонланмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида пойтахтлик соҳа вакилларига юксак эҳтиром кўрсатилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир шарафли касб эгалари қалбига чексиз қувонч олиб кирди. Улар шаънига кўп илиқ сўзлар айтилиб, совға-саломлар топширилди. Давлатимиз томонидан ўз меҳнатларига бу қадар юксак эъзоз кўрсатилаётганлиги учун тиббиётчилар миннатдорчилик билдиришди.

Тадбир санъаткорлар ижросидаги шўх куй-қўшиқларга уланиб кетди. Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси иштирокчиларга ўз спектаклларини намойиш этишди.

**Ўз мухбиримиз**



«Ҳамшира — 2006» республика кўрик-танлови ғолибаси Ўғилжон Қосимова «Матиз» автомашинаси ҳамда тиббиёт олийгоҳига имтиёзли ўқишга киришга йўлланма билан тақдирланди.

**Даврон АҲМАД олган сурат**

# Миллат соғлиги учун масъулмиз

## дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова

### Суҳбат

***— Озода Анваровна, неча ҳафтадирки, мамлакатимизда қўша-қўша байрамлар, нафосат анжуманлари, юбилей тўйлари давом этмоқда. Қаршининг 2700 йиллик тантаналари чўғи сўнмасдан Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди. Бу тантаналарга пахтакорларимизнинг меҳнат ғалабалари, она тилимизга давлат тили мақоми берилган кун, халқаро конференциялар, хуллас, деярли ҳар куни эзгуликларга уйғун тадбирларга шоҳидмиз. Эртага эса илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни байрам қилинади. Суҳбатимизни шу ҳақда бошласак.***

— Озод юртга байрамлар, тўю тантаналар ярашади. Ўтаётган ҳар бир тадбир, қутлуғ сана жонли тарихимиз, халқимизнинг буюк ва боқий қадриятларидан, юксак салоҳияти ва қудратидан далолат беради. Аслида кўнглимизда ажиб туйғулар уйғотиб, руҳий қувват бахш этаётган бу каби байрамлар озодлик туҳфаларидир. Истиқлол берган бундай имкониятлар эса жуда кўп. Биргина тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларнинг ўзи алоҳида эътирофга сазовор.

Адолатли демократик жамият барпо этилаётган мамлакатимизда инсон саломатлигига эътибор давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналиши ҳисобланади. Тиббиёт соҳасида тўрт йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабкиси, бу республикамизда тиббий тизимнинг ривожланиши ҳуқуқий асосларини яратишдир. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури» ва мақсадли дастурлар мамлакатимиз тиббиёти ривожида муҳим омил бўлди. Айниқса, Президентимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, ўтган йилнинг «Сиҳат-саломатлик», жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар янги босқичга ўтганлигининг ёрқин далилидир. Қолган уч йўналиш — мамлакат миқёсида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам тизимини ташкил этиш, қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Амалга оширилаётган бу эзгу ишлар замирида ҳар бир кишининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишига эришиш, соғлом авлодни шакллантириш, бир сўз билан айтганда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий бирдамликни таъминлаш каби тадбирлар мужассамлашган. Бу эса бевосита касаба уюшмалари ҳаётий эҳтиёжига асосланади.

**— Асосий қонунимизда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар касаба уюшмалари фаолияти билан бевосита боғлиқ меъёрлардир. Тармоқ Марказий кенгашида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ўзбекистон Конституцияси жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган. Қолаверса, Бош Қомусимизнинг 37-моддасида, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, деб эътироф этилган бўлса, 38-моддасида эса ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун билан мустаҳкамланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва Меҳнат кодексида қайд этилган меъёрларни ижтимоий шерикчилик тамойили асосида амалиётга жорий этишнинг асосий омилларидан бири тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилигимиз, муҳтарам Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорларида ижтимоий шерикчилик тамойилини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва асослар яратилмоқда. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш касаба уюшмалари фаолиятининг самарасини белгиловчи ўта муҳим масалалардандир.

Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан ташқари иш берувчининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган икки томонлама келишувга кўра ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш мақсадида иш жойлари диспансеризация қилиниб, касалликларнинг олдини олиш ва меҳнат шароити ва муҳофазасини кучайтириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида кўп болали, ногирон боласи бор аёлларга соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли ва бепул йўлланмалар ажратиш, шунингдек, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини юксалтириш каби бир қатор масалалар юзасидан мажбуриятлар олинган.

Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ижобий натижаларга эришилаётгани аҳамиятлидир. Жумладан, ўтган ярим йилда тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларининг бажарилиш таҳлили шуни кўрсатдики, уларда кўзда тутилган мажбурият, имтиёз ва кафолатлар бўйича бир мунча ютуқларга эришилди. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган 3324 та кам таъминланган оилага 25 миллион 358 минг сўм, 1096 та кўп болали оилага 12 миллион сўмга яқин, уруш ва меҳнат фахрийларига 13,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш муваффақиятлар гаровидир. Шу ўринда меҳнаткашлар манфаатларининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётганликларини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, адолатли иш шароитларини яратиш, аёллар, вояга етмаганлар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши каби масалалар шулар жумласидандир.

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилиниши оқибатида 2005 йил давомида вилоятлар бўйича 42 нафар ходим (бир нафари суд орқали) касаба уюшмаларининг аралашуви билан ўз вазифаларига тикланди ва уларга мажбуран бекор юрган кунлари учун 2 миллион 91 минг сўм моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

**— Бобур Мирзо фарзанди Ҳумоюн Мирзонинг касаллигини ўзига олиб вафот этганлиги ҳақидаги фактни ўқиган франциялик олима Бевериж хоним «Шу Бобурга менинг жоним фидо бўлсин» деб ёзган экан...**

**Биз ана шундай: бировнинг касаллини ўзига ола билган, ўзгалар дардига малҳам бўлиш маданиятига эга бўлган буюк зотларнинг авлодларимиз. Бугунги кунда ҳам эл дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшаётган шифокорларимиз жуда кўп. Уларнинг олижанoблик ва инсоний фазилатларини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Ўз касбига фидойи, профессионал тиббиёт ходимларини эъзозлаш борасида тармоқ Марказий кенгашида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг маънавият даражаси аввало ноёб истеъдод эгалари, умуман, алоҳида қобилият ва фидойи шахсларнинг қадрланиши, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш билан белгиланади. Негаки, ривожланган, маънавияти юксалган жамиятда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, фахри, қолаверса, келажаги деб қаралади.

Президентимиз Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган йиғилишда шифокорлар меҳнати ҳақида сўзлаган нутқида шундай деган эдилар: «Ҳеч шубҳасиз, юраги, қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эҳтиёжига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай эътиқод билан яшаётган минг-минглаб жонкуяр шифокорлар — етук жарроҳлар, моҳир кардиологлар, терапевт ва педиатрлар, заҳматкаш ҳамширалар меҳнат қилмоқда».

Ҳақиқатан ҳам ҳар биримизнинг соғ-саломат юришимизда ана шундай ўз касбининг фидойилари, профессионал тиббиёт ходимларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Уларнинг ҳар бири юксак иззат-ҳурматга арзийди.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият бераётгани қувончли ҳолдир. Тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бу борадаги эзгу ишлардан ҳисобланади.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармони ва ҳукумат қарорларини жойларда ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Токи, тармоқда меҳнат қилаётган барча инсонлар — юқори малакали шифокорлардан бошлаб оддий ҳамшира ва тиббиёт ходимигача эзгуликлардан баҳраманд бўлсин.

Ана шу эзгу ниятда соғлиқни сақлаш тизимида фидойилик кўрсатган ходимлардан 12 нафари Марказий кенгаш маблағи ҳисобидан энг яхши санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Фарғона, Наманган вилоятлари тармоқ кенгаши, Марғилон тиббиёт коллежига иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун компьютер тақдим этилди. Пойтахтимиздаги Баровский ва Охунбобоев номли тиббиёт коллежларига 1 миллион сўм ёрдам уюштирилди. Республика ногиронлар илмий марказига 2 миллион сўмлик кўрпа-ёстиқ жилдлари ва юмшоқ анжомлар, Зангиота туманидаги ҚВП ва тез ёрдам бўлимига музлатгич, ЭКГ ва керакли анжомлар олиб берилди.

Бундан ташқари, Республика болалар полиомиелит шифохонасига 4 миллион, тармоқ касаба уюшмаси тасаррyфидаги Андижон вилоятидаги «Шифокор» болалар оромгоҳига 12 миллион, Хоразм вилояти «Шифокор» болалар оромгоҳига 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож тармоқ ходимларига бир миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

**— Ҳар бир аёл ўз оиласининг офтоби. Жамият эса оилалар бутунлиги, фарзандлар камоли, энг муҳими, она ва бола саломатлиги, маънавий етуклиги билан барқарор ва қудратлидир. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида аёллар ҳаёти, саломатлигига оид муаммолар қай тарзда ҳал этилмоқда?**

— Дарҳақиқат, аёл нафақат беқиёс меҳри, фидойилиги билан оиласи, балки жамият тараққиётини белгиловчи, унга маънавий соғлом муҳит яратувчи зотдир. Она Ўзбекистонимиз жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган бир жараёнда жамиятнинг ажралмас ва узвий қисми — хотин-қизларнинг сиёсий тафаккури, фаоллиги ва халқаро майдонда ўз сўзи, ғоялари билан чиқишларида юртимизнинг аёлга, онага, оилага эътибори ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий ва миллий ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда демократик ислоҳотларнинг муваффақиятида аёлларнинг муносиб иштирокини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 54,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам бу борадаги ишларимиз нақадар салмоқли эканидан далолат беради.

Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш, шунингдек, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш, билим олиш, ўқитиш ва етакчилик фаолияти, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Касаба уюшмалари аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш, улар учун махсус гигиена хоналарини ташкил этиш, шунингдек, оналар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, ёшига доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорларга пенсиясини тўлиқ тўлаш, иш кунини қисқартириш, ногирон боласи бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда таътилига қўшимча уч кун қўшиб берилиши каби имтиёзлардан фойдаланишларини назорат қилиб келмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кўп болали 1507 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартиришга эришилди. Ушбу мақсад учун 8,5 миллион сўм сарфланди.

Қолаверса, сўнгги йилларда барпо этилаётган замонавий тиббиёт масканлари, «Она ва бола» скрининг ва реабилитация маркази соғлом авлод саломатлигига қаратилган. Биз орзу қилган ҳар томонлама етук фарзанд соғлом онадан туғилади.

Эътибор берган бўлсангиз, бундан 15 йиллар аввал ёш оналарга икки ойгина ҳомиладорлик таътили берилар, кўзи ёригач аёл вужудининг тикланиши, боласини она сути билан тўйдириб катта қилиши учун ҳеч қандай шароит, имтиёз йўқ ҳисоби эди. Бугунги ёш оналар буни тасаввур ҳам қилишолмайди. Бу ҳам аслида истиқлол шарофатидан.

**Суҳбатдош:**
**Амина ҚОДИРОВА**



# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтоқда.***

Хусусан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан «Уч авлод учрашуви» деб номланган тадбир ташкил этилди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари вакиллари, соҳада меҳнат қилаётган фан арбоблари, мутахассислар, ёш авлод вакиллари бўлмиш — талаба ва магистрантлар таклиф қилинди.

— Президентимиз томонидан «Тиббиёт ходимлари куни» касб байрамининг эълон қилиниши ушбу масъулиятли ва шарафли касб эгаларига кўрсатилган яна бир эҳтиром ва ғамхўрлик намунаси бўлди, — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова. — Ушбу санага бағишланган тадбир эл саломатлигини мустаҳкамлашдек шарафли вазифани адо этаётган катта авлод вакиллари бўлмиш устозларимиз, ўрта авлод вакиллари бўлган заҳматкаш шифокору ҳамширалар, ёш авлод вакиллари — талабаларнинг ўзига хос учрашуви, ҳаётий ва касбий тажриба алмашуви ҳамдир.

— «Уч авлод учрашуви»нинг биз ёшлар учун маънавий ва тарбиявий аҳамияти катта бўлди, — деди тантана иштирокчиси, Тошкент Фармацевтика институти аспиранти Зайнаб Сийдаметова. — Биз устозларимизга муносиб шогирд бўлиш, халқ саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ваъда берамиз.

Тадбирда мамлакатимиз тиббиёт тизими ривожи учун улкан ҳисса қўшиб келаётган соҳа билимдонлари, шифокор ва ҳамшираларга совғалар топширилди.

Ижро этилган куй ва қўшиқлар тантанага янада файз бағишлади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

# ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА

## бошқармамиз шифокорларининг ҳам ҳиссаси бор

***Бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги давр санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, тизимни хорижий давлатларда эришилган ютуқ ва тажрибага таянган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда. Шулар ҳисобга олиниб, мустақиллик йилларида, хусусан, кейинги 5-6 йил ичида бошқармамизга қарашли шифо масканларини ривожлантириш, уларни қайта қуриш бўйича катта ишлар килинди. Масалан, ўтган беш йил давомида сиҳатгоҳлардаги 19 та бино тўла қайта таъмирланди. Хоразм вилоятида "Хонқа" санаторийси қурилиб, ишга туширилди. "Қашқадарё соҳили"да икки қаватли замонавий услубда қурилган "Ташхислаш ва даволаш маркази", алоҳида маданият саройи ва ошхона мажмуи, Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳда ҳам ана шундай бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

"Чортоқ", "Бўстон"да сув билан даволаш мажмуаси очилди. "Оқ тош"да ёзги сузиш ҳавзаси ва 10 оилага мўлжалланган, барча қулайликларга эга, замонавий жиҳозланган, "Люкс" хонали коттеджлар қурилди. "Турон"да ҳам 2 та ана шундай оилавий коттедж биноси, реабилитация бўлими, қабулхона ва ёзги сузиш ҳавзаси, сауналар қурилиб, ишга туширилди. "Ботаника"да битта бино ва ошхона, "Чинобод"да 16 ўринли "Люкс" хоналардан иборат бино қурилди ва 5 қаватли ётоқхона замон талаблари асосида қайтадан реконструкциядан чиқарилди. Фарғонадаги "Чимён" санаторийсида 5 қаватли бино тўла таъмирланиб, унда 84 ўринли "Люкс" ва даволаш хоналари ташкил қилинди.

2005 йилда "Бўстон" санаторийсининг асосий 5 қаватли ётоқхонаси тўла реконструкциядан чиқарилди ва унга ЎзКУФК ҳисобидан 1 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

2006 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи олдидан "Қашқадарё соҳили" санаторийсида 3 қаватли асосий ётоқ биноси реконструктив таъмирдан чиқарилди.

2006 йилда "Чортоқ", "Бўстон", "Зомин" ва "Оқ тош" сиҳатгоҳларида қурилиш ва реконструкция ишлари давом эттирилди. "Умид гулшани"да барпо этилаётган сув билан даволаш мажмуасини жорий йилда ишга туширилиши режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган санаторий-курорт муассасаларидаги барча қурилиш-реконструкция ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Манзилли қурилиш Дастури" асосида маблағ билан таъминланган.

Сўнгги беш йил давомида даволаш ва дам олиш масканларини замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадларга йўналтирилган маблағнинг асосий қисми Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қопланди. Бундан ташқари, санаторийларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 484 миллион 745,8 минг сўмлик тиббий асбоб-анжомлар сотиб олинди.

Барча сиҳатгоҳларда замон талабига жавоб берадиган даволаш-ташҳислаш базаси, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ мавжуд. Сўнгги йилларда психо, рефлексо, магнито, лазер, инфрақизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинди. Натижада даволаш самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Сиҳатгоҳларда асосан табиий шифобахш омиллардан (минерал сувлар, шифобахш балчиқ, табиий иқлим ва сув бассейнлари) фойдаланилади. Чунки мамлакатимизда шифобахш хусусиятларга эга минерал сувлар аниқланган. Мисол учун, "Чимён" санаторийсидаги аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида қўлланилаётган минерал сув ўзининг шифобахшлиги борасида Сочи курортидаги "Мацеста" билан бемалол беллаша олади. "Чортоқ", "Хонқа", "Ниҳол" сиҳатгоҳларида йод-бромли, "Чинобод", "Турон", "Бўстон", "Ботаника", "Ситораи Мохи Хоса" ва "Косонсой"ларда хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлар топилган. Абу Али ибн Сино ном-







ли санаторийда эса родонли сувлар даволашда кенг қўлланилмоқда. "Зомин", "Мироқи", "Умид гулшани" даволаш масканларида сув булоқлари йўқ. Аммо фито (яъни гиёҳли ўтлардан тайёрланган) ванналар ҳамда юқори концентратли ташиб келтириладиган сувлар кенг қўлланилади.

Санаторий-курорт муассасаларида Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтириладиган шифобахш сульфидли балчиқ билан даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Мижозларнинг даволанишга бўлган талаб ва истакларини ҳамда мавжуд шифобахш омилларни ҳисобга олган ҳолда барча санаторийларимиз турли йўналишдаги касалликларни даволашга ихтисослаштирилган. 17 сиҳатгоҳдан 15 таси кўп ихтисосли бўлиб, буларда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб ва ҳаракат-таянч тизими, ҳатто тери ва ички серекция безлари касалликлари билан келганлар даволанадилар. Қолганлари бир хил касалликни даволашга ихтисослашган. Масалан, "Турон" санаторийсида асосан юрак-қон томир касалликлари билан оғриган кишилар даволанишади. "Зомин" ва "Оқ тош" сиҳатгоҳлари тоғ ён бағриларида жойлашган бўлиб, асосан нафас олиш аъзоларини даволашга ихтисослаштирилган. Аёлларимизга оналик қувончини бахш этиш мақсадида, аёл ва эркак бепуштлигини муваффақиятли даволаш учун гинекологик ва андрологик касалликларига ихтисослашган "Умид гулшани" санаторийси ташкил қилинган. Бухородаги "Ситораи Мохи Хоса" санаторийси эса буйрак ва сийдик йўллари касалликларини даволашга мўлжалланган ва ҳоказо.

Замон талаби бўйича тасарруфдаги санаторийларда қўшимча пуллик тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Хизмат кўрсатиш турлари, сифати ва олинаётган маблағ миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда пуллик хизматдан тушган маблағ 12 миллион 728 минг сўм бўлса, 2005 йилда бу рақам 300 миллион сўмни ташкил этди. Бу пуллар асосан санаторийларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга сарфланмоқда. Шунинг учун ушбу хизматнинг ривожига келгусида янада аҳамият берилади.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маданияти, маънавияти, анъанаси ва удумлари, улуғ аллома, ёзувчи, шоир, давлат арбоблари бўлган бобокалонларимизнинг ўлмас меросларини ўрганиш ва тарғиб қилиш, шунинг билан бирга Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги, юрт тинчлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга жамият аъзоларини жалб қилиш каби юксак мақсадлар санаторийларда ташкил қилинган маданият саройлари, уйларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бошқармага қарашли сиҳатгоҳлар ихтиёрида жами 17 та маданият саройи, уйи, клублар фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасаларда халқимизнинг атоқли фарзандлари, шоир, ёзувчи, артистлар, давлат арбоблари билан учрашув, суҳбатлар ўтказилади. Кинофильмлар намойиш қилинади. Дам олиш, байрам кечалари дискотекалар ташкил қилинади, бадиий хаваскорлик тўгараклари иш юритади. Шу билан бирга зиёратгоҳларга, муқаддас жойларга, музейлар, театрларга ва бошқа гўзал масканларга саёҳатлар уюштирилади. Ҳар бир маданият саройи, уйида кутубхона ташкил қилинган. Улардаги умумий китоблар сони 70 минг нусхадан ошди.

Бошқарма тасарруфидаги санаторийларни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз-ўзини молиялаштириш мақсадида "Очиқ акциядорлик жамияти" ва "Масъулияти чекланган жамиятга" айлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда 14 та санаторий шундай шаклда иш юритмоқдалар.

Айни вақтда Курортлар бошқармаси тизимида жами 216 нафар шифокор ва 505 нафар ҳамширалар фаолият кўрсатмоқда ва буларнинг билим даражаси ҳам анча юқори, тажрибали ва меҳнат фахрийларидир. Жумладан, шифокорларнинг 49 фоизи олий тоифали ва 25 фоизи биринчи тоифали, ҳамшираларнинг эса 42 фоизи олий, 22 фоизи биринчи тоифалидир.

Ишбилармон ходимлар жамоанинг олтин фонди, деб бекорга айтилмаган. Курортлар бошқармасида ҳам кўп йиллик тажрибага эга, меҳнат фахрийси, билимли, ўз ишини устаси бўлган ишчи-ходимлар ишлашмоқда. 33 йилдан бери хизмат қилаётган ва шундан 14 йили Курортлар бошқармаси бошлиғининг муовини вазифасида ишлаётган Хайрулла Мақсумов, 1976 йилдан бери ишлаётган, ҳозирда бош ҳисобчи муовини Дилбар Халилова, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач", меҳнат фахрийси, кўплаб шифокорларнинг устози Худойберди Раҳмедов, хўжалик бошлиғи Альфия Слаевалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, юртдошларимизни соғломлаштиришда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, деб ўйлайман. Сиҳатгоҳларимизда ҳар йили 50-55 минг нафар меҳнаткашлар ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклаётгани фикримизни яққол тасдиқлаб турибди. Саломатлик — энг катта бойлигимиз. Уни асраб-авайлаган юрт одамларининг эртаси ҳам умидбахшдир.

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи**

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган барча соҳа ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!*

*Инсонлар дардига билим ва малакалари, ширин сўзлари билан малҳам бўлаётган Сиз азизларга тан-сиҳатлик, хотиржамлик, оилавий тотувлик ва бахт тилаймиз.*

*Халқ саломатлигини муҳофаза этишдек масъулиятли ва шарафли ишларингизда Сизга янги зафарлар, муваффақият ва омад ёр бўлсин!*



## Турмуш чорраҳаларида

***Севиб-севилмаган ким бор? Худди оқсоч тарих сингари муҳаббат ҳам боқийдир. Ота-боболаримиздан мерос қолган бизга у. Аммо улар дил изҳорини нигоҳларла баён этишган. Сўзсиз изҳор этиладиган бу туйғуни сўзамолликка ўргатдик. Эндиликда киприк қоқмасдан йигирма тўрт соат изҳор этиладиган оташин ишқ монологлари пайдо бўлди. Севгилиси қўлида азоб чекиб, бу оламдан кетаётганлар қанча. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Гўзал Ҳайитбоева ҳам аҳду паймон қилган севгилиси азобларидан кўз юмди...***

# Қабоҳатга йўғрилган муҳаббат

Уларни қўш кабутарга қиёслаб бўлмасди. Улар муҳаббатнинг юзига ниқоб тортиб севишди. Сирли учрашувлар интиҳоси кўнгилли поёнига етар, ҳали расмий эр бўлиб улгурмаган йигит ўз қишлоғига, дийдорга тўйган қиз эса шаҳар шовқинлари ичра ғойиб бўларди. Шўрлик муштипар она ғам юкини кўтаролмасдан адо бўлди. Куёвга аталган сарпоси сандиқда қолди. Умид-орзулари шамолда тўзғиди. Келинг, аввал шу муштипарни эшитайлик.

Манзура Худойбердиеванинг судда берган кўргазмасига кўра, қизи Қўлдош Жўраев билан севишиб юрганини икки йил олдин пайқаган. Қўлдош улар яшаётган Гулистон шаҳридаги Усмон Носир номли кўчада жойлашган 1-уй атрофидан кетмай қолган. Маъшуқаси билан уй олдидаги курсида узоқ дийдорлашиб, гоҳида яширинча Гўзалнинг ётоқхонасида тунаб қолаётганини она сезиб- сезмасликка оларди. Баҳорда Гўзал уч кун ғойиб бўлади. Она қийнов-қистовга олгач, ёрилади. Қўлдош... Унга турмушга чиқармиш. Қўлдош ҳам ҳеч иккиланмай уйланаман, деди-ю, онанинг юрагидаги ҳадик-хавотир ўрнини хотиржамлик эгаллади.

Ўтган йили у Бахмал зиёратига отланади. Сафардан икки кунда қайтиб Мирзаобод туманидаги қариндошлариникида тунаб қолади. 11 ноябр кундузи соат 11 ларда уйига келса, ҳовлига кирадиган эшик очиқ, аммо уйлари қулфланган эди. Қўшниси · Раиса опа хонадонида қош қорайгунча қизини кутади. Дарак бўлмагач, қўшнисини ишга солиб деразa панжараларини бузиб, ичкарига киради. Тўшалган гиламчада эркак кишининг туфли изларига кўзи тушиб хавотири ортади. Хонадонда сақланаётган тилла буюмларини назардан ўтказади. Тилла тақинчоқлардан ташқари ёстиқ ичига яширилган пул ҳам йўқ. Аммо Гўзалнинг ҳамма оёқ кийимлари ўрнида турарди. Қариндош-уруғлардан суриштириш ҳам натижа бермайди. Ички ишлар бўлимига қизи йўқолганлигини хабар қилади. Сўнгра таниши Дилшодга қўнғироқ қилиб Қўлдошни топиб беришни илтимос қилади. 12 ноябрда Манзура Худойбердиева хонадонига куёв бўлмиш кириб келади-ю, Гўзални суриштиради. Эрталаб хайрлашиб чиқиб кетгандим, дея ёлғон гапиради. Бу тун ҳам Гўзални кутиш билан ўтади. 13 ноябр куни уйни тозалаётган Манзура опа стол остидан қизининг рўмолини топиб олади. Ундаги қон доғларига кўзи тушиб барча анжомларни яна бир бор кўздан кечиради. Ҳовлидаги супургининг омборхонада пайдо бўлиши, белкурак эса лойга белангани уни ҳайратга солади.

***Судланувчи Қўлдош Жўраев кўргазмасидан:***

Тахминан ноябр ойида ҳар замонда бир келиб, эр-хотиндек яшаб юрган Гўзал Ҳайитбоевалар уйига бордим. На онаси Манзура опани, на Гўзални учратолмадим. Қўшниси Нодира исмли аёлдан сўраб-суриштирдим. Бозорга кетган, деган жавобни олиб изимга қайтмоқчи эдим, унинг яна нимадир демоқчидек бўлаётганини сезиб, қувлигим ошди. «Россияга кетмоқчиман, Гўзалга уйланмайман, бор гапни айтинг, дея уни аврадим». «Гўзалнинг онаси бошқа йигитларга ҳам қўшиб қўяди, сиз билмайсиз», деди у. Уч кун ўтгач, бу гапни Гўзалнинг юзига солдим. У онасига етказди. Манзура опа эса қўшнидан исбот талаб қилиб ғижиллашди. Орадан икки кунлар ўтгач, Гўзални яна уйдан тополмадим. Тунги соат 3 ларгача уни пойладим. Ниҳоят келди. Оғзиданароқ ҳиди келарди. Бир танишидан қарзини ундириб келаётганига мени ишонтирмоқчи бўлди. Аразлашиб бўлак ётдик. 8 ноябр куни тахминан соат 15 ларда Бахт шаҳридан Гўзалга телефон қилдим. У онаси Бахмалга кетаётганини айтиб, уйига таклиф қилди...

Гувоҳ Жўрабек Қобилов қотилликда гумон қилинган Қўлдош Жўраев билан икки йил илгари танишиб қолган. Шу-шу қадрдонлашиб кетишган. 10 ноябр куни Сирдарё туманида икки ўртоқ учрашиб қолади. Шакаргуфторликни дилга тугиб Гулистон шаҳрига келишади. Қўлдош Гўзални бошлаб чиқади ва «хотиним» деб Жўрабекка таништиради. Йўл-йўлакай Гўзал дугонаси Марҳабони ҳам сафга тортади. Тўртовлон шаҳардаги «Серёжа» қаҳвахонада базму жамшид қуришади. Бирин-кетин қадаҳлар бўшатилади. Алёрлар айтилади, дилни эритувчи мусиқа эшитишади. Соат 23 ларда Жўрабек истироҳат учун 15400 сўм тўлайди. Ишга чақириб қолганлиги учун Жўрабек Сирдарёга, Марҳабо эса йўловчи машинада уйига кетади.

***Гувоҳ Дилшод Садиралиев:***

— 10 ноябр куни соат 23 ларда танишим Қўлдош ва Гўзал қўнғироқ қилиб 4-мавзега ташлаб қўйишимни сўради. Меҳмоним бор эди. Уларни «Клара» қаҳвахонасига қўйиб, танишларимни «Қозоқ бар»га олиб бордим. Сўнгра меҳмонларимни ҳам шу ерга олиб келдим. Бошқа-бошқа ўтирдик. Анча фурсатдан сўнг Қўлдош келиб, уйига ташлаб қўйишимни илтимос қилди. Гўзал иккисини Манзура опа хонадонига ташлаб қайтдим.

Гувоҳ Нодира Рўзиева кўрсатишича, Манзура ва Гўзал билан эски таниш. У Қўлдошни ҳам шу хонадонда таниган. Бироқ у Гўзални Манзура опа бошқа йигитларга қўшади, деган гапини инкор қилди.

Қўлдош ва Гўзал «Қозоқ бар»дан уйга хушнуд қайтишади. Қўлдош яна Нодира опанинг гапини қўзғайди. Гўзал тан олмайди. Қўлдош бўлажак рафиқасини уради. Жазавага тушган Гўзал «ҳаммаси тўғри» деб юборади. Ана шундан сўнг Қўлдош гурзидек муштини ишга солади. Калтак зарбидан аёл ҳушидан кетади. Қўлдош не кўз билан кўрсинки, севгани жон таслим қилганди. Қўлдош белкурак ва кетмон топиб мурдани ҳаммом олдидаги сўри тагига кўмади. Сўнгра тилла тақинчоқлар ва пулларни олиб, Сирдарёдаги уйига кетади. Тилла тақинчоқларни Гулистон шаҳридаги Барно исмли танишига пуллаб юборади.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Сал фурсат ўтмай ички ишлар идоралари жиноятни фош қилиб, Қўлдош Жўраев суднинг қора курсисига ўтқазилди.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди масалага адолатли баҳо берди. Аслида Қўлдош илгари ҳам судланиб аҳлоқ тузатиш ишига жалб этилган экан. Амнистияга илиниб, муддатидан илгари озод бўлган. Турмуши бузилгач, кўнгли янги ёрни тусаган эди.

Халқимизда саёқ юрган таёқ ер, деган ҳикмат бор. Мана оқибати. Бундан хулоса чиқариш лозим. Севгини кўнгил майлига айлантирганлар оз эмас. Муҳаббат ҳеч маҳал тўшакда туғилмайди. Балки қалбда, энг покиза туйғу мисол яшайди. Уни фақат юракдан излаш керак.

**Баҳодир АБДУРАҲМОН ўғли,**
**Нурилла ШАМСИЕВ**



Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт /

# XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ОЛДИДАН

Куни кеча пойтахтимиздаги 14-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 10-17 ёшлилар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди. Ушбу чемпионат маҳорат мактаби вазифасини ўташ билан бирга XV Осиё ўйинларида иштирок этадиган номзодларни кўрикдан ўтказди.

Спорт усталари ўртасидаги беллашувларда пойтахтлик Луиза Галиулина ғолибликка эришган бўлса, пойтахт вилояти вакили Имрина Абдуллаева иккинчи ўринни эгаллади. Стелла Каримжонова бронза медалини қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Руслан Эргашев (Самарқанд вилояти) ҳамда Иван Олишев (Тошкент шаҳри) мусобақага пухта ҳозирлик кўрганликларини исботлашди. Бошқа беллашувларда А.Сапарбоева, Э.Шаулов, А.Валиулина, С.Мирзаев, И. Молдоченко, Т.Содиқовлар шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди.



# «ПАХТАКОР» — ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

Беш йилдан буён Ўзбекистон кубогини ҳеч кимга бермай келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бу сафар мусобақа финалида Муборакнинг «Машъал» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ушбу ўйин аввалида учрашув кескин ва муросасиз ўтиши тахмин этилганди. Чунки, финалга илк марта йўл олган муборакликлар агар ушбу ўйинда ғалаба қозонишса, Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритар эди. Шу боис ҳар икки жамоа учрашувни кўтаринки кайфиятда бошлади.

Биринчи бўлим сўнггида пахтакорчи Ринат Байрамов ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда муборакликлар бир неча қулай вазиятлардан фойдалана олмадилар. Ўйин тугашига 5 дақиқа қолганда «Пахтакор»нинг нигериялик легионери Ихоруоме Уче «Машъал» дарвозасини яна бир марта нишонга олди.

Бу йил ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлаган жамоа ушбу кубокни жами саккизинчи марта қўлга киритиб, мухлисларини хушнуд этди.

# ШАРАПОВА — ЯРИМ ФИНАЛДА!



**Испаниянинг Мадрид шаҳрида мукофот жамғармаси 3 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган йирик теннис турнири давом этмоқда. «Қизил» гуруҳдан ўрин олган россиялик Мария Шарапова навбатдаги баҳсда бельгиялик Ким Клистерсни 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақаларнинг ярим финалига йўлланма олди.**

**Дунёнинг биринчи рақамли ракеткаси бўлиш учун Мария ушбу турнирда ғалаба қозониши лозим. Буни спортчининг ўзи ҳам тўғри тушунган кўринади. У турнирда жуда кўтаринки кайфиятда ўйнамоқда. Гарчанд Мария Шарапова илгари ҳам ушбу номга эришган бўлса-да, бу сафар унда ушбу унвонни узоқ ушлаб қолиш имкони бор.**

# АРМРЕСТЛИНГЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Манчестер шаҳрида бўлиб ўтган армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатида Игорь Шишков мураббийлиги остидаги Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари муваффақиятли иштирок этишди.

Имконияти чекланган спортчилар ўртасида 55 килограмм вазнда иштирок этган Мирзоҳид Шарапов олтин медалга сазовор бўлган бўлса, беш карра жаҳон чемпиони, турли халқаро мусобақалар ғолиби сирдарёлик Умиджон Аҳмедов 80 килограмм вазнда энг кучли эканлигини исботлади.

Истеъдодли армрестлингчилар Жасур Аликперов (75 кг) ва Рустам Қодиров (80 кг) нуқсонли бўлмаган спортчилар орасида кумуш медал билан тақдирланишди.

Энди спортчиларимиз Жиззахда 25-26 ноябр кунлари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Кубоги баҳсларида иштирок этади.

# «ТОРПЕДО» – БИРИНЧИ ЛИГАДА

Россия премьер лигаси баҳсларининг 27 туридан сўнг Москванинг «Торпедо» жамоаси келгуси йил биринчи лигада тўп сурадиган бўлди. Ҳамюртимиз Александр Гейнрих тўп сураётган ушбу жамоа навбатдаги турда Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди.




Бу мағлубият москваликларни биринчи лигага йўл олишга мажбур қилган бўлса, ўз навбатида «Зенит» вакиллари бронза медали учун курашни давом эттириш имконини сақлаб қолишди. Боз устига, «Зенит»нинг бахтига бронза медал учун курашдаги рақиби бўлмиш «Локомотив» жамоаси ушбу турда ютқазиб қўйди.

Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт /




# “ЧИНОБОД” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ



**Ўзбекистон тиббиёт ходимлари куни билан барча-барчани самимий муборакбод этади.**

**Азиз ҳамкасблар! Халқимизнинг саломатлигини тиклаш йўлидаги ўта масъулиятли ишингизни сидқидилдан адо қилишингизда Сизни куч-қувват тарк этмасин!**

# Етти иқлим нафаси



## 150 МИНГ КИШИ ҲАЛОК БЎЛГАН

Саддам Хусайн режими қулагандан сўнг ўтган уч ярим йил мобайнида исёнкорлар қўлидан 150 минг киши ҳалок бўлган. Бу ҳақда Венага борган Ироқ соғлиқни сақлаш вазири Али ал-Шерами хабар қилди. Бу даврда ярадор бўлган ироқликлар 450 минг кишини ташкил этади.

## АЭРОПОРТДАГИ МУЛОҚОТ



15 ноябр куни Москвада Америка Президенти Жорж Буш Владимир Путин билан учрашади. Оқ уй матбуот хизматининг хабарига кўра, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги форумида қатнашиш учун Вьетнамга кетаётган АҚШ Президенти самолёти Москва аэропортида ёқилғи қуйиш учун тўхтаб ўтади. Шу пайтда иккала Президент норасмий равишда юқори даражада учрашув ўтказадилар.

## ПУЛ ТИЗИМИ ТУРЛИ ХИЛ БЎЛАДИ

Хитой валюта заҳирасини диверсификация (турли хил) қилишнинг аниқ режасига эга.

"Барча марказий банклар валюта заҳирасини турли хил қилишга уринмоқдалар. Бизда бунинг учун аниқ режа ишлаб чиқилган", дейди Хитой Марказий банки бошлиғи. Бу хабардан сўнг доллар иена ва евро даражасига тушиб қолди.

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ

Қирғизистон Президенти Курманбек Боқиев республика Асосий Қонунининг янги таҳририга имзо чекди. Унинг сўзларига қараганда, бугун Конституция қабул қилиниши «қирғиз демократияси тараққиётига қўйилган янги қадамдир». Конституция турли сиёсий кучларнинг келишуви натижасида дунёга келди. «Бунда ютқазганлар йўқ. Чунки ҳамма ўзаро келишишга ҳаракат қилди».



## ПАРРАНДА ГРИППИГА ҚАРШИ

Россия олимлари парранда гриппига қарши вакцина яратдилар. Олимларнинг сўзига қараганда, бу билан ҳар бир қуш эмланиши керак. Бунинг учун бир минут вақт кетади. Беш суткада 20 минг паррандани эмлаш мумкин.

## ДАФН ҚИЛИНГАНЛАР АНИҚЛАНДИ

1992 — 1995 йилларда Босния жангларининг қурбони бўлиб, оммавий равишда дафн қилинганлар жойи аниқланди. Буни ўзини танитмаган шахснинг хабарига кўра излаб топдилар. Қидириш жараёнида икки метр ер остида 15 кишининг жасади топилди. Қидирув давом этмоқда.



## ЯШАШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ

Норвегия дунёда яшаш учун энг яхши мамлакат деб тан олинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастурига мувофиқ бу Скандинавия давлати олтинчи марта бу соҳада етакчилик қилмоқда. Ташкилотнинг нашр қилинган маърузасига мувофиқ бу мамлакатдан кейин Исландия, Австралия, Ирландия ва Швеция келади. Ўнталик ичига шунингдек, Канада, Япония, АҚШ, Швейцария, Нидерландия киради. Маъруза тузишда аҳоли жон бошига тушадиган даромад даражаси, таълим ва соғлиқни сақлашнинг тараққиёти ҳамда аҳоли умрининг узоқлиги ҳисобга олинган.

## ВИДЕО ЎЙИН – САНЪАТ АСАРИ

Франция Маданият вазири Рено Донедье де Вабр видео ўйинни санъат асари деб ҳисоблаш тўғрисида ҳукуматга таклиф киритди. Бу қадам йирик нашрларнинг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатади.

**Диққат!**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди

Мустақил Ўзбекистонимиз халқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва яратилаётган шарт-шароитлар туфайли барқарор ривожланиб бормоқда. Эришган ютуқларимиз мевасини асраш, уларни янада кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш шу юртда яшаб турган барча фуқароларнинг муқаддас бурчидир. Бу борада, албатта, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг зиммасида ҳам катта масъулият ётади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уни келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи ҳар қандай нуқсонни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар талайгина. Неча йиллдирки, соҳа ходимлари томонидан республикада ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келинмоқда. Кейинги пайтларда инсонларнинг жабрланиш ҳоллари олди олиниши, асосийси, фуқароларда ёнғин оқибатларидан сақланиш борасидаги тушунчаларнинг ортишини ана шу тадбир самараси сифатида тилга олиш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида юз берган ёнғинлар сонини кузатадиган бўлсак, ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизга камайганини кўрамиз. Шунингдек, ёнғин оқибатида куйиш, тан жароҳат олиш ҳолатлари 8 фоизга камайишига эришилди.

Ушбу тадбирларнинг куз охири ва қиш фасли бошига тўғри келиши бежиз эмас. Айни шу пайтда ҳароратнинг кескин пасайиши, совуқ кунларнинг бошланиши муносабати билан фуқароларда иссиқлик манбаларига эҳтиёж бир мунча ортиб, айримлар томонидан қўлбола, носоз ва ишлатишга мутлақо яроқсиз иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кузатилади. Содир бўлган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 78,6 фоиздан кўпроғи фуқаролар турар-жойларида содир бўлиб, қарийб 40-50 фоизи иситиш печларидан ва оловдан эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан.

Бу йилги «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбири Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан 10 ноябрдан 10 декабрга қадар давом эттирилиши белгиланди. Унда кўрсатилишича, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уй-жой объектларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш бош мақсад қилиб олиниб, бунинг учун вазирлик, идора, уюшма, корпорация ва концернлар томонидан аниқ мақсадларга қаратилган қўшимча маблағлар ажратилиши юкланган.

Ойлик давомида ҳар йилгидек тарғибот ишларини олиб боришда ва ёнғинларнинг олдини олиш борасида яхши натижа кўрсатган шаҳар ва туман ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, бўлинма ва қисмлари, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз корхоналарида юқори даражада хавфсизликни таъминлаган ўта муҳим ва тоифаланган масканлар, намунали халқ хўжалиги масканлари, маҳалла, гузар ва мавзелар ўртасида қизиқарли танловлар ўтказилиб, ғолибларга Ўзбекистон ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари топширилади.

«Ўт балосидан асрасин» деган нақл ниҳоятда топиб айтилган. Унда халқнинг асрлар оша кашф этган ҳаётий ҳақиқати мужассам. Чинданам фалокат бўлган жойдан хайр-барака кўтарилади. У инсоннинг моддий йўқотишидан ташқари, саломатлигига, энг ачинарлиси, ҳаётига таҳдид солиши ҳам мумкин. Балодан қутилишнинг бирдан-бир чораси, бу кишиларнинг ҳар бир нарсага ҳушёр назар билан боқиши, эҳтиёткорликни йўқотмаслигидир. Ана шундагина кўнгилсизлик ва мусибатлардан йироқ бўламиз.

**А.ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, капитан**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ





Соҳа ходимларини касб байрамлари билан қутлайди.
Қалби пок, қўли енгил инсонларнинг иши доимо бароридан келсин.
Яратганнинг ўзи Сизни қўлласин!

**Савобли касб**

*Соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса, тиббий «тез ёрдам» соҳасида махсус автокорхона-автоуловларнинг ўрни беқиёс. Ҳаммага маълумки, беморни тезликда бориб кўриш, ташхис қўйиш, дарднинг олдини олиш ва беморни шифохонага шошилинч равишда ёткизишда нафақат шифокорлар, шунингдек, автотранспорт ва уни бошқараётган ходимларнинг роли ҳам катта.*

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА

## махсуслаштирилган автокорхона

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қошида мана шундай махсуслаштирилган автотранспорт корхонаси 1959 йил охирида ташкил этилганди. Иккита автокорхона негизида ташкил топган ушбу корхонада ҳозирги кунда 937 та ҳайдовчи, жами 1160 киши фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар куни улар олдига пойтахт соғлиқни сақлаш тизимидаги 180 дан зиёд тиббиёт муассасаларига 258 та енгил автомашина ва 11 та туман тез тиббий ёрдам шахобчалари учун 122 тадан зиёд автоуловларни ишга чиқариш вазифаси қўйилган. Бугунги кунда автокорхонада 37 хил русумдаги 442 та транспорт воситаси мавжуд бўлиб, улар кундалик техникавий кўриклардан ўтказилади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, автокорхонада бюджетдан ташқари маблағ топиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 37,7 миллион сўм фойда олинди. Бу эса ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 4,3 миллион сўмга кўпдир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан автокорхонада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан берилган буйруқ ва кўрсатмалар муҳандис, техник ходимлар ва ҳайдовчилар ўртасида чуқур муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилганлиги самарасини кўрсатмоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича автобўлинмаларда ҳайдовчилар орасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

— Автокорхонанинг иш фаолиятини бир маромда ушлаб туриш вазифаси айни ҳолда мавжуд транспорт воситаларини ўз вақтида капитал таъмирлаш, иш ҳажмини инобатга олиб, уларни компьютерлар билан таъминлашни, янги ёқилғи қуйиш шахобчасини қуриш ва янги транспорт воситаларини харид қилишни тақозо этади, — дейди автокорхона раҳбари Баҳодир Тешабоев.

Автокорхона ходимлари меҳнат муҳофазаси, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва бошқа муаммолар жамоа шартномасида ўз аксини топган бўлиб, 9 ой давомида касаба уюшмаси томонидан бетоб ва оилавий қийналган 96 та ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг 17 тасига санаторий ва дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Спорт- соғломлаштириш, сузиш ҳавзаси учун 30 та чипта бепул тарқатилди.

Йирик техник кўрикда фаол қатнашган 12 нафар техник ходимлар пул мукофоти билан тақдирланди. Болалар дам олиш масканларида ходимлар фарзандларини ёзги соғломлаштириш учун ҳам маблағ билан таъминланди.

— Ҳайдовчилик касби савобга йўғрилганлиги учун шарафли. Шифокорлар билан ёнма-ён ишлаётганимиз эса уни янада азизу мукаррам қилмоқда, — дейди касаба уюшмаси раиси Абдуҳаким Салимсоқов. — Ходимлар ўртасидаги аҳиллик ва меҳнат интизоми умумишимизда қўл келаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**




Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

**Шунақаси ҳам бўлади**

## ХАЁЛ

Ишдан кечроқ чиқдим. Аксига олиб бугун ҳамқишлоғимникига боришим керак. Уйи йўл ёқасида бўлса майлику-я, лекин бекатда тушгандан кейин ҳам анча яёв юриш керак. Вақт allамаҳал бўлиб қолди. Автобусдан дарак йўқ. Тоқатсизланиб соатимга қараб қўяман — 20:05. Ҳеч қачон бунчалик кеч юрмасдим.

Ниҳоят узоқ кутилган автобус келди. Кўзланган манзилда тушиб қолдим. Ҳавонинг совуқлигидан кўчада транспорт ҳам, одам ҳам кам. Йўл ёқалаб минг бир хаёлда кетар эканман, орқамдан келаётган йигитнинг берган саломидан чўчиб тушдим. Бемаҳалда қайси танишим учраб қолдийкин, деб ҳижолат бўлиб алик олдим, лекин у бепарвогина ўтиб кетди. Бир-икки қадам юриб «Яхшимисиз, ока. Яхши юрибсизми?» дея қўл телефонида ким биландир гаплаша бошлади. Ҳижолатим янада ортди. Алик олганимни эшитдими-йўқми, роса ўйландим. Охири, «майли, у мени танимайди-ку, шунақаси ҳам бўлиб туради-да!», деб ўзимни овутдим.

**Мактуба МЎМИНОВА**

# Мунажжим башорати

## (13-19 ноябргача)

**Қўй**

Ҳал қилиб бўлмайдигандек туюлган масалалар ҳал бўлади. Ҳаётингизда рўшнолик кўрасиз. Молиявий муносабатларда сизга маъқул вазиятлар вужудга келади. Ҳафтанинг биринчи уч кунида маиший ва хўжалик масалаларига эътибор беринг. Пайшанба ва жума кунлари яқин кишиларингиздан хабар олинг. Лекин ишга кўп берилиб кетманг.

**Бузоқ**

Расмий масалаларни ҳал қилишда, бошқалар билан алоқаларни йўлга қўйишда жиддий муваффақиятларга эришасиз. Ва ниҳоят сизни тушунадилар. Сиз учун фойдали таклифлар бўлади. Сешанба ва чоршанба кунлари сизга омад келтиради. Пайшанба ва жума кунлари соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар ҳаракатингизни бироз чеклаб қўяди. Кўзда тутилмаган харажатлар бўлиши мумкин. Ҳафтанинг охирида хушхабар эшитасиз.

**Эгизаклар**

Сизга амалда фойда келтирувчи анчагина ғоялар пайдо бўлади. Бунга шошилманг. Ишингиздаги кадрларни жойлаштириш масалалари ниҳоясига етади. Ижобий ўзгаришлар рўй беради. Одамлар сизни тушуна бошлайди. Ҳафтанинг охирида уйларни таъмирлаш, техник жиҳозлашлар билан шуғуллансангиз баракали бўлади.

**Қисқичбақа**

Бу ҳафта сиз учун хотиржам кечади. Иш жараёни аста-секин йўлга тушиб кетади. Ўқув, ижод соҳасида янги уфқлар очилади. Яқин кишиларингиздан қимматбаҳо совғалар оласиз. Кутилмаган омадлар келади. Масалаларни ҳал этишда анча эркин бўласиз. Ақлий фаолиятингизда яхши натижаларга эришасиз. Душанба, чоршанба кунлари яхши нарсалар харид қиласиз. Лекин, жиддий ишларни, яхшиси, четга суриб қўйинг.

**Арслон**

Бу ҳафтада сизнинг сабр-матонатингиз синовдан ўтади. Ортиқча қизиқишлардан йироқда бўлинг. Фикрингизни бир жойга тўпланг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам вазмин бўлинг. Бошлиғингиз олдига илтимос билан кирманг. Оилангиздаги қариялар сизнинг ғамхўрлигингизга муҳтожлигини унутманг. Пайшанба ва жума кунлари шахсий ҳаётингиздаги энг муҳим муаммоларни ҳам ҳал қила оласиз.

**Паризод**

Бу ҳафтада сиз анчагина янги кашфиётлар қиласиз. Кайфиятингиз кўтарилади. Ишингиз равнақ топади. Муҳим воқеалар жараёнида, ижтимоий ҳаётда эътиборда бўласиз. Душанба куни кечқурун эски танишларингизни учратасиз. Сешанба куни ишингиз ривож топади, сафарингиз бехатар бўлади. Чоршанба куни кечқурун энг мураккаб масалаларни ҳал қилишга муваффақ бўласиз. Бу кун сизга унутилмас таассуротлар қолдиради.

**Тарози**

Кўп масалаларни ҳал қилишда қулай шароитлар вужудга келади. Биринчи уч кунда кўпроқ харажат қилишингизга тўғри келади. Қимматбаҳо ва чиройли нарсалар оласиз. Ижтимоий фаол бўласиз. Сизнинг иқтидорингизни сезиб қолишади. Сизни ташқи ва ички фаолиятингиз жўшқин кечади. Узоқ сафар қилишингиз мумкин. Билим олиш, малака ошириш учун имкониятингиз кенгаяди.

**Чаён**

Бу ҳафтада сизни қизиқ воқеалар кутади. Душанба куни шахсий муаммоларингизни ҳал қилинг, ўзингизни анча енгил сезасиз. Ўз маблағларингизга бемалол эгалик қила оласиз. Қимматбаҳо нарсалар олишда хасислик қилманг. Акс ҳолда обрўйингиз тушиб қолиши мумкин. Шанба куни кечқурун узоқ кутган янгиликлардан хабар топасиз.

**Ўқотар**

Ҳаёт анча суст ўтади. Ўзингиздаги одамийлик фазилатларини намоён қилинг. Майда масалаларни ҳал қилинг. Қисқа сафарларга боришингиз мумкин, фақат зарур нарсаларни харид қилинг. Чоршанба куни кечқурун энг қийин ишларни тугатасиз. Пайшанба куни бошқа ишлар билан машғул бўласиз. Кейинги кунлари кайфиятингиз кўтарилади, яхши хушмуомалали кишиларга дуч келасиз.

**Тоғ эчкиси**

Исталган натижаларга эришишингиз бироз қийин кечади. Турли сабаблар билан уларни кейинга қолдирасиз. Кўп режаларингизни захирага қўйинг. Касбий ёки молиявий масалаларни ҳал қилишга уринманг. Озроқ пул топасиз. Шунинг учун кўп нарса сотиб олишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Айримлар учун бу давр жуда оғир кечади. Фақат жума куни вазият енгиллашади, куч-қувват пайдо бўла бошлайди. Иш ҳақи олишингиз мумкин.

**Қовға**

Сабр-тоқатли бўлинг. Ишга масъулият билан ёндошинг. Айниқса, кишилар билан муносабатда, никоҳ тузишда, ҳамкорлик қилишда эҳтиёт бўлинг. Ҳафтанинг охирида ўз кучингизга ва келажакка ишонч пайдо бўлади. Руҳий ҳолатингизга алоҳида эътибор беринг. Дам олинг, соғлиғингизни тиклаб олинг. Кўп ғам чекаверманг. Худонинг ўзи мададкор бўлади.

**Балиқ**

Ўз ишларингизни шошилмай бажаринг. Эҳтиёткорлик билан янги режалар тузинг. Ақлий ишингизда, уйингиз ва иш жойингизни янгилашда, янги билим олишда қулайликлар туғилади. Сешанба ва чоршанба кунлари қизиқарли мулоқотлар бўлади. Кутилмаганда сафарга отланишингиз мумкин. Кишилар бир-бирига талабчан бўлишади. Берган ваъдангизнинг устидан чиқинг.

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов
Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78; Хатлар бўлими: 153-85-43
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.
Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев
Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский
Буюртма Г— 1315 Тиражи: 7553
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 20.40
Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8